Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 169 (8409). ● 6 сентябрь, 1984 йил ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

ДИҚҚАТ!

ИККИНЧИ НАВБАТ ҚУРИЛМОҚДА

(Телефонда «300-стан» қурилиши диспетчерлик пункти) ...Алвон ранг шиорлари кўзга ташланиб турган бу улкан қурилиш объектининг барча участкаларида ишларининг қизғин тус олаётганлигини бир қарашда ҳис қилиш мумкин. Қурилишда азамат бунёдкорлар қўлни қўлга бериб фидокорона ишлашяпти. Бинокорларнинг самарали меҳнатлари эвазига «300» прокат станининг биринчи навбати шу йилнинг июль ойида фойдаланишга топширилиб, ўзининг илк маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлаган эди. Энди эса улкан иншоотнинг иккинчи навбати жадал барпо этиляпти. Ўтган бир ой мобайнида бу ерда хандақ қазиш ишлари ниҳоясига етказилди. Қурилиш майдонида колонналар ўрнатиш ва бетон ётқизиш ишлари ҳам қўшиб олиб борилди. Бош корпуснинг 440 куб метрлик иккинчи ярмида бетонлаштириш ишлари тугатилди. Қолган участкаларда эса ишлар қизғин давом эттириляпти.

Август ойи натижаларига кўра «Ўзбекметаллургстрой» трестининг 1-қурилиш-монтаж бошқармаси қурувчилари беллашув пешқадами бўлишди.

Бекобод шаҳри.

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Ангрендаги 85-кўчма механизациялашган колоннанинг Владимир Федоров бошчилигидаги комсомол-ёшлар бригадаси ишчанлиги билан коллективда яхши танилган. Шунинг учун ҳам кўпчилик муҳим объектлардаги мураккаб бунёдкорлик ишлари ана шу ғайратли ёшларга ишониб топширилади. Бригада аъзолари эса вазифани кутилганидан ҳам аълороқ даражада адо этишади. Куни кеча комсомол-ёшлар яна бир ғалабани қўлга киритганликлари ҳақида рапорт бердилар: ўн биринчи беш йиллик плани бажарилди. Беш йиллик бошидан бери амалга оширилган яратувчилик ишлари 1 миллион 250 минг сўмликдан ошиб кетди.

Шу кунларда комсомол-ёшлар Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг 40 йиллиги шарафига зиммаларига юксак социалистик мажбурият қабул қилиб меҳнат қилмоқдалар. Шунга кўра улар 1985 йилнинг 9 майига қадар яна бир йиллик планни бажаришни мўлжаллаб туришибди.

●

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР ЮБИЛЕЙГА

Олмалиқдаги Олтинтопган кон бошқармасида рационализаторлар мусобақаси мунтазам ўтказиб турилади. Ўтган йили ўтказилган бу меҳнат беллашуви кон ишчилари учун катта фойда келтирди. Мусобақада ғолиб деб топилган Евгений Кеслер ва Борис Филатов сингари электро-слесарлар киритган таклифлар минглаб сўм иқтисодий самара берди. Жумладан, Е. Кеслернинг ишлаб чиқаришга жорий этилган 8 та таклифи 6906 сўм, Б. Филатов киритган 4 та таклиф эса 6200 сўм фойда берди.

Шу йил бошидан бери энг кўп рационализаторлик таклифи киритган бош механик Альберт Зиннатулиннинг янгиликлари ишлаб чиқаришдан ўрин олгач 11 минг 250 сўм иқтисодий самара бериши кутилмоқда. Бу эса рационализаторларнинг Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллигига муносиб совға ҳозирлашга астойдил ҳаракат қилаётганликларидан далолат беради.

М. АКМАЛОВ.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

• ҲАММА ЕРДА ДЕФОЛИАЦИЯНИ ЭНГ МАҚБУЛ МУДДАТЛАРДА ЎТКАЗАЙЛИК • БИРИНЧИ ДЕФОЛИАЦИЯНИНГ ЎЗИДАЁҚ ҒЎЗА БАРГЛАРИНИНГ ТЎЛА ТЎКИЛИШИГА ЭРИШАЙЛИК • ЙИҒИМ—ТЕРИМ ТЕХНИКАЛАРИНИ ЯНА БИР БОР КЎРИКДАН ЎТКАЗИБ, МАВСУМГА ТАХТ ҚИЛИБ ҚЎЯЙЛИК • ТЕРИМ-ТРАНСПОРТ ОТРЯДЛАРИ ВА ЗВЕНОЛАРИ МАЛАКАЛИ МЕХАНИЗАТОРЛАР БИЛАН ТЎЛА ТАЪМИНЛАНСИН!

● Ғалаба районидаги «Москва» колхози далаларида пахталар қийғос очила бошлади. Хўжалик деҳқонлари куни кеча ғўзаларни дефолиация қилишни районда биринчилардан бўлиб бошлаб юборишди. Айни кунларда бу тадбирни 7 иш кунида муваффақиятли тугаллаш учун барча техник воситалардан унумли фойдаланмоқдалар.

Суратда: хўжалик далаларида ғўзани ОВХ агрегатлари ёрдамида дефолиация қилиш.

А. Абалян фотолари.

ФАҚАТ ЮҚОРИ СОРТГА ТОПШИРАМИЗ

ЯНГИЙЎЛ районидаги Ленин номли колхознинг Жалил Абдутолипов бошчилик қилаётган бригадаси пахтакорлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи шарафига янги ташаббус билан чиқдилар. Улар бу йил жами пахтани юқори сортга топширишга аҳд қилдилар.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида пахтакорлар олдига қўйилган талаблар асосида меҳнат қилаётган бригадамиз деҳқонлари ўз сўзларининг устидан чиқиш учун барча тадбирларни амалга оширмоқдалар,— дейди бригада бошлиғи.— Мақсадимиз 57 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 40 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишдир.

Бригада пахтакорларининг сўзига ишонса бўлади. Чунки, далаларда ҳосил чўғи баланд. Улар ғўза парваришида «60 зарбдор кунлик» эълон қилишган. Шунинг учун ҳам коллективнинг Тўхта Тожибоева, Зарифа Мамарасулова, Зулхумор Рихсибоева, Матлуба Абдуллаева сингари аъзолари, Худойберди Ўсканов, Комил Нишонбоев каби механизаторлари, Шермат Эрматов бошчилигидаги сувчилари тиним билишмайди. Уларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли ҳозиргача ғўза қатор ораларига олти марта ишлов берилди, уч марта суғорилди. Айни пайтда ўсишдан орқада қолган карталар алоҳида парвариш қилинмоқда. Бир сўз билан айтганда коллективда сафарбарлик, ҳамма ўз сўзининг устидан чиқиш учун тер тўкяпти.

А. АКБАРОВ,
С. ҲИКМАТОВ,
Р. РАҲМАТУЛЛАЕВ.

ҚУНДУЗОЙ БРИГАДАСИДА

Қундузой опа мусобақадошлари Худойберди Алиев бошчилик қилаётган бригада далаларидан келгач, ҳали кўп иш қилиниши лозимлигини дилдан ҳис этди. «Ўтган йили ҳам шундай бўлган эди,— хаёлидан ўтказди у.— Йиғим-терим олдидан агротехник тадбирлар сифатсиз ўтказилганлиги туфайли ҳосилдорликда мусобақадошлардан 1 центнер орқада қолиб кетган эдик».

Бригадирни нохушроқ кайфиятда кўрган коллектив механизатори Маликжон:

— Ассалому-алайкум опа, нега хомушсиз?— деди.

— Маликжон ҳозиргина Худойбердиларнинг бригадасидан келяпман. Ҳосили мўл. Шуни кўриб мана шу 10 гектарлик картанинг пахтасидан кўнглим тўлмаяпти,— дея жавоб берди.

— Хавотир олманг, биз маслаҳатлашиб олдик,— Эртага навбатдаги культивацияни ўтказамиз. Сўнгра шарбат усулида суғорсак, ҳаммаси жойида бўлади,— дадил жавоб берди механизатор.

Шу кўйи бу икки тажрибали пахтакор келгусидаги ишлар режасини тузиб чиқишди.

Бўка районидаги Фрунзе номли колхознинг тажрибали бригада бошлиғи Қундузой Аширова ана шундай меҳнат қилади. Бажарилган ишни ўзи бориб кўрмаса кўнгли жойига тушмайди. Коллектив аъзолари ҳам шунга ўрганиб қолишган. Нима бўлса бригадирдан маслаҳат сўрашади. Бунинг самараси ёмон бўлмаяпти. Ҳосилдорлик йилдан-йилга кўтарилиб бормоқда. Бу азаматлар юбилей йилида 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилишган. Ана шу ният йўлида ҳамма бирдек меҳнат қиляпти.

П. ЭРГАШЕВ.

«ОГОНЁК» ОНАХОНИ

ВАЛЕНТИНА Павловна қачон пенсияга чиқиши лозимлиги ҳақида ўйлаб кўрмаганди. Аммо ферма коллективи, хўжалик раҳбарлари унутишмаган экан. Уни пенсияга кузатишга бағишланган йиғилиш катта тантанага айланиб кетди. Ҳамкасб дугоналари, севимли шогирдлари дўстона ёрдами, фойдали ўгит-насиҳатлари учун унга самимий миннатдорчилик билдиришди. Қутлуғ ёши арафасида Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг Фахрий дипломи билан тақдирланганлиги билан чин дилдан қутлашди.

Валентина Павловна учтўрт ҳафта ростмана дам олди. Уйли-жойли бўлиб кетган 5 нафар фарзандларининкига меҳмонга бориб, набиралари дийдорига тўйди. Бироқ уйига қайтиб келгач, зерика бошлади. Гўё энг азиз нарсасини йўқотиб қўйган кишидек негадир ўйчан, хомуш бўлиб қолди. Фермага боришга эса юраги бетламади. «Ахир ёшларга ҳам ўрин бериш керакку, кекса бошим билан ишлаб юрсам, одамлар нима деб ўйлашаркин» деган истиҳолага борди.

Йўқ, барибир бўлмади. Шанба куни ферма мудирига учрашиб, очиғини айтиб қўя қолди.

— Мақсадингизни тушундим, — деди ферма мудири уни хушнуд кутиб олиб. — Тўғри, ёшларимиз ҳалол меҳнат қилишади. Лекин тажрибасизликлари баъзан панд бериб қўяди. Уларга бош-қош бўлсангиз, яхши бўларди. Фақат ёшингизни ҳисобга олиб, сизга камроқ сигир ажратиб берсак, деган фикрда эдим...

— Бу нима деганингиз? — ферма мудирининг сўнгги сўзи Валентина Павловнага бироз оғир ботди. — Ёшларга иш ўргатишдан қочмайман, керак бўлса улар билан беллашаман.

Эътирозга ўрин қолмаганди. Валентина Павловна яна меҳнат қучоғига қайтди. Худди аввалги йиллардаги сингари 17 бош соғин сигирни парвариш қила бошлади. Бир қарашда ҳар бош соғин сигирдан йил давомида 4—4,5 минг килограммдан сут соғиб олаётгани ўз меҳнатидан қониқтираётгандек туюларди. Лекин уни анчадан буён бир муаммо ташвишга солиб келарди. Ниҳоят ўтган йили қишда бу борадаги ўз фикрларини ферма мудири билан совхоз-завод бош экономисти Е. И. Кузьминга айтишни лозим топди.

— Бу йил фермамиздаги соғин сигирлар бош сони кўпайиб 270 бошга етгани ўзингизга маълум, — деди у. — Шунга кўра 5—10 нафар соғувчини ишга олишимиз керак. Бизга қолса, янги келтирилган сигирларни ўзимизга бўлиб берсангизлар.

Таклиф суҳбатдошларга ҳам маъқул тушди. Чунки бу — биринчидан, ҳисоб-китоб ишларини анча енгиллаштирса, иккинчидан хўжаликка бир мунча иқтисодий фойда ҳам келтириши аниқ эди.

Фермага боришга эса юраги бетламади. «Ахир ёшларга ҳам ўрин бериш керакку, кекса бошим билан ишлаб юрсам, одамлар нима деб ўйлашаркин» деган истиҳолага борди.

Йўқ, барибир бўлмади. Шанба куни ферма мудирига учрашиб, очиғини айтиб қўя қолди.

— Мақсадингизни тушундим, — деди ферма мудири уни хушнуд кутиб олиб. — Тўғри, ёшларимиз ҳалол меҳнат қилишади. Лекин тажрибасизликлари баъзан панд бериб қўяди. Уларга бош-қош бўлсангиз, яхши бўларди. Фақат ёшингизни ҳисобга олиб, сизга камроқ сигир ажратиб берсак, деган фикрда эдим...

— Бу нима деганингиз? — ферма мудирининг сўнгги сўзи Валентина Павловнага бироз оғир ботди. — Ёшларга иш ўргатишдан қочмайман, керак бўлса улар билан беллашаман.

Эътирозга ўрин қолмаганди. Валентина Павловна яна меҳнат қучоғига қайтди. Худди аввалги йиллардаги сингари 17 бош соғин сигирни парвариш қила бошлади. Бир қарашда ҳар бош соғин сигирдан йил давомида 4—4,5 минг килограммдан сут соғиб оладиган ўз меҳнатидан қониқтираётгандек туюларди. Лекин уни анчадан буён бир муаммо ташвишга солиб келарди.

йича сут етиштириш аввалги йилдагига нисбатан 41,14 центнерга ортди. Давлатга пландаги 8001 центнер ўрнига 8415 центнер сут топширилди. Ҳар бош соғин сигирдан сут соғиб олиш 60 килограммга кўпайди. Хайрли ташаббус соҳиби Валентина Павловна эса бу кўрсаткични 5 минг килограммданга етказди. Унинг меҳнат ютуқлари ва тинимсиз изланишлари ўзининг муносиб баҳосини олди. 1983 йил якунлари бўйича районда илғорликни қўлдан бермаганлиги учун Анастасия Чудная номидаги область мукофоти лауреатлигига сазовор бўлди.

Бахтиёр она, тажрибали соғувчи Валентина Павловна Комаровани шу кунларда ҳам қизғин меҳнат устида учратасиз.

— Ҳалол меҳнатларим самараси ҳамиша қалбимга илҳом бағишлайди, — дейди у мамнуният билан. — Бу йил республикамиз юбилейи шарафига ҳар бош соғин сигирдан 5 минг килограммдан ошириб сут соғиб олишга аҳд қилганман. Сўзимнинг устидан чиқиш учун куч-ғайратимни асло аямайман.

Эзгу-ниятли қалб эгаси фермада меҳнат қилишни ўзи учун катта бахт деб билади. Шу боисдан ҳам Ғалаба районидаги «Огонёк» совхоз-заводи меҳнаткашлари унинг номини ҳурмат билан тилга олишади. «Бизнинг Валентина» деб эъзозлашади.

Д. ҚОДИРОВА,
Г. МАМБЕТОВА.

ОБЛАСТЬ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

Дарҳақиқат, Валентина Павловнанинг ташаббусини М. Пос, М. Кримина, М. Хижинская каби тажрибали соғувчилар ҳам қўллаб-қувватлашди. Фермада 5 минг килограммчилар ҳаракати юзага келди. Бу ташаббусга Валентина Комарованинг шогирдларидан Рая Ҳошимова, Зуҳра Сафарова, Люба Гудаковалар ҳам якдиллик билан қўшилишди.

Соғувчилар ўз зиммаларидаги масъулиятни ҳис этган ҳолда меҳнат қилишга киришдилар. Энг аввало меҳнат интизомига қатъий риоя қилиш йўлга қўйилди. Эндиликда соғувчилар ишга аввалгига нисбатан 30 минут олдин келадиган бўлишди. Соғиш аппаратларининг созлиги, сигирларга соғишдан олдин белгиланган рацион асосида озуқа тарқатиш, шунингдек, иш тугагандан сўнг молхоналарни тозалаб тартибга келтириш бевосита Валентина Павловнанинг раҳбарлигида ҳар куни назорат қилиб борилди. Бордию, бирор киши сабабли ишга келолмаса, уларнинг қарамоғидаги сигирлар соғиш учун 3—4 нафар илғор соғувчиларга бириктириб қўйиладиган бўлди.

Ана шу тартибда иш юритиш натижасида совхоз бў-

ЯНА ДИЙДОР КЎРИШГУНЧА!

Ўзбекистонда Совет—Иордания дўстлиги кунлари 5 сентябрда тугади. Бу кунлар СССР билан Иордания хошимийлар қироллиги ўртасида йил сайин мустаҳкамланиб бораётган алоқаларнинг ёрқин намойишига айланди.

Дўст мамлакатнинг делегацияси шу куни В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетида бўлди. Ярмук университетининг ўқитувчиси, доктор Дурейд Ал-Мухасана студентларга атроф муҳитни муҳофаза этиш проблемаларига оид лекция ўқиди.

Иордания вакиллари Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик-узумчилик ва виночилик Бутуниттифоқ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини бориб кўрдилар.

Иордания—Совет дўстлиги жамиятининг делегацияси Ўзбекистон ССР Олий Советида қабул қилинди.

Делегация бошлиғи, сенатор Баҳжат Ат-Талхуни дўстлик кунларининг аҳамияти тўғрисида гапириб, қуйидагиларни таъкидлади:

— Меҳмондўст ўзбек диёридаги самимий учрашувлар мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлик мустаҳкамланиб, ривожланиб бораётганлигини яна бир марта тасдиқлади. Шак-шубҳа йўқки, бундай мулоқотлар Ер юзида тинчликни мустаҳкамлашдан иборат олижаноб ишга хизмат қилади.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ ҲОСИЛНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ТАЙЕРМИСИЗ?

ТОЛА МИҚДОРИГА ҚАРАБ

Пахта далаларида ҳосил етилиб қолди. Тайёрловчилар ҳам янги ҳосилни қабул қилиб олишга ҳозирлик кўришни ниҳоясига етказмоқдалар. Бу мавсум улар ҳамда пахтани қайта ишловчилар учун жиддий синов бўлади. Чунки шу йилдан бошлаб пахта тозалаш заводлари топширилган «оқ олтин» учун якуний ҳисоб-китобни ҳар бир хўжалик топширган пахтадан олинган тола миқдорига қараб қиладилар.

Газетамиз махсус мухбири Э. Эрназаров Янгийўл пахта тозалаш заводи тайёрлов бўлимининг бошлиғи Илҳом Қозоқбоев билан учрашиб, ундан корхонада ҳамда заводга қарашли тайёрлов пунктларида ҳосилни янгича усулда қабул қилиб олишга қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— Хўжаликлар билан топширилган пахта учун якуний ҳисоб-китоб қилишда янгича усулни жорий этишдан энг аввало пахтадан олинадиган тола миқдори ва сифатини яхшилаш мақсади кўзланяпти. Белгиланган тартибга кўра пахта тозалаш заводлари хўжаликларга топширилган пахта учун бу пахтанинг миқдори ва навига қараб харид нархларида кўзда тутилган ҳақнинг 90 процентини тўлайдилар. Харид нархларида кўзда тутилган ҳақнинг қолган 10 проценти хўжалик томонидан топширилган барча пахта қайта ишлаб бўличгач ҳисоб-китоб қилинади. Агарда хомашёни қайта ишлаш даврида топширилган пахтадан нормативда белгиланганидан кўп миқдорда тола олинган бўлса, бунда хўжаликка ҳам қўшимча пул тўланади. Олинган тола белгиланганидан кам бўлса бунинг сабаби аниқланиб, якуний ҳисоб-китоб шунга кўра қилинади. Бунда пахтадан кўпроқ миқдорда тола чиқишини таъминлашдан хўжаликлар ҳам, пахтани қайта ишловчи корхоналар ҳам моддий манфаатдор бўлишлари белгилаб қўйилган.

— Пахта тозалаш заводи ва унга қарашли тайёрлов пунктларида янгича усулда пахта қабул қилиб олишга қандай тайёргарлик кўрилмоқда?

— Тайёрловчиларимиз Янгийўл районидаги пахтачилик хўжаликларида етиштирилган ҳосилни қабул қилиб оладилар. Заводимизга қарашли 4 та тайёрлов пункти бор. Биз топширилган пахта учун якуний ҳисоб-китоб қилишни янгича усулда йўлга қўйиш учун қўшимча бунт майдончалари, машина-механизмлар зарур эканлигини аниқладик. Шу мақсадда ҳозир барча тайёрлов пунктларимизда қўшимча бунт майдончалари барпо қилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Пунктларда 94 та бунт майдончаси бор эди. Янги ҳосилни қабул қилиш бошлангунга қадар яна 12 та бунт майдончаси қўриб битказилади. Бу ҳар бир хўжаликнинг пахтасини навлари бўйича алоҳида-алоҳида бунтларда сақлаш имконини беради. Яъни ҳар бир хўжалик топширган пахтасидан қанча тола чиқ-қанлиги аниқ-равшан бўлади.

Ишни янгича ташкил этиш учун мавжуд 41 та машина-механизмга қўшимча яна 6 та ПЛ агрегати олиниши кераклигини ҳам ҳисоблаб чиқдик. Шу кунларда бу механизмларни харид қилиш ва тайёрлов пунктларига ўрнатиш чоралари кўрилмоқда. Айни пайтда қабул қилиб олинган пахта ҳосилини сифатли сақлаш учун бунтларга қўшимча 4 та вентилятор ўрнатамиз.

— Қабул қилиб олинган пахта ҳосилини қайта ишлашни яхшилаш учун заводнинг ўзида нима қилиняпти?

— Бу йил корхонамизда тозалаш цехи реконструкция қилинди. Унда юқори унумли, пахта толасини сифатли ажратиб оладиган РХ машина-механизмлари ўрнатилди. Шунингдек, бу цехга янги чанг ушлагичлар ҳам ўрнатдик. Бу тола сифатини яхшилаш билан бир қаторда атроф муҳитни ифлослантириш даражасини камайтиришга ҳам хизмат қилади.

Янги усул хўжаликлардан келтирилган пахта навини тез ва пухта аниқлаб беришни тақозо этади. Ўтган йили заводимизда бунинг имкониятини берадиган АСХ-1 асбобини ўрнатган эдик. Бу йил эса заводга қарашли 4 та тайёрлов пункти лабораторияларида ҳам ана шундай асбоб ўрнатилмоқда.

— Топширилган пахта учун якуний ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида пахтачилик хўжаликларида қандай тушунтириш ишлари олиб бориляпти?

— Куни кеча заводимизда пахтачилик хўжаликлари раҳбарлари, мутахассислари, пахта топширишда ишлатилаётгандаги товаршуносларва бошқа ходимларнинг тўрт кунлик семинарига якун ясалди. Янгийўл район партия комитети ва халқ депутатлари район Совети ижроия комитети билан ҳамкорликда ўтказилган бу семинарда топширилган пахта учун якуний ҳисоб-китоб қилишнинг хусусиятлари батафсил тушунтириб берилди.

Заводимиз ва тайёрлов пунктларимизда янги мавсумга тайёргарлик ишлари тугалланяпти. Биз пахтакорларимизнинг фидокорона меҳнатлари эвазига етиштирилган «оқ олтин»ни пешмапеш қабул қилиб олиш, уни ўз вақтида қайта ишлаш ва бу хомашёдан юқори сифатли тола олиш учун барча чораларни кўрамиз.

НАШРДАН ЧИҚДИ

«РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ»

«Ривожланган социализм: ҳужжатлар ва материаллар тўплами» китоби босмадан чиқди. Китоб ривожланган социализм назарияси ва практикаси проблемаларига бағишланган.

Тўпламга К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарларидан, КПСС ҳужжатларидан, Коммунистик партия билан Совет давлати раҳбарларининг асарлари ва нутқларидан парчалар киритилган. Китобни Сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

КАДРЛАРГА ТАЛАБЧАН БЎЛСАК...

Янгийўл районидаги Назарали Ниёзов номли колхоз коммунистларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми, Тошкент область партия комитетининг IV пленуми якунлари ва колхоз бошланғич партия ташкилотининг партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш соҳасидаги вазифаларига бағишланган йиғилиши ишчанлик руҳида, танқид ва ўз-ўзини танқид остида ўтди. Докладчилар ва музокараларда сўзга чиққан коммунистлар ютуқларни таъкидлаш билан бирга, асосий диққат-эътиборни ҳал этилмаган вазифаларга, белгиланган план ва олинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, партия ташкилотининг жанговарлиги, коммунистларнинг авангардлиги ва масъулиятини оширишга қаратдилар.

— Колхозимизда ўтган йили пахта тайёрлаш плани бажарилган бўлсада, ҳосилдорлик пасайиб кетди,— деди йиғилишда доклад қилган хўжалик партия комитети секретари М. Ёқубов.— Гектаридан аранг 31,4 центнердан хирмон кўтарилди. Бошқача қилиб айтганда, ҳар гектар ердан аввалги йилдагига нисбатан 0,8 центнердан кам пахта ҳосили олинди.

Колхоздаги мавжуд 9 та пахтачилик бригадасидан 3 тасида пахта тайёрлаш плани бажарилмай қолди. Ана шунинг ҳисобига давлатга 112 тонна пахта кам топширилди. Ишда хатоларга йўл қўйган, меҳнат интизомини бўшаштириб, пахта ҳосилдорлигини камайтириб юборган 4-бригада бошлиғи коммунист А. Нурматов, 3-бригада бошлиғи коммунист А. Эминов қаттиқ жазоланди. Улар вазифаларидан бўшатилди.

Партия йиғилишида колхоз правленнеси ва партия комитети хўжаликнинг бошқа соҳаларини ривожлантиришга ҳам етарли эътибор бермаётганликлари қаттиқ танқид қилинди. Кейинги уч йил ичида колхоз давлатга пландагидан 59 тонна кам сут топширди. Бунинг асосий сабаби моллар зотини яхшилашга етарли эътибор берилмаётганлиги ва сигирлар маҳсулдорлигининг камайиб кетаётганлигидир.

Шуннси ачинарлики, чорвачиликдаги ўтган йилги нуқсонлар бу йил ҳам такрорланаяпти. Хўжалик давлатга 7 ой мобайнида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 197 тонна кам сут сотди, давлатга гўшт сотиш эса 29 тоннага камайтириб юборилди. Ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараганлиги учун сут-товар фермаси мудири коммунист А. Тўлабоев ишдан бўшатилди.

Хўжаликда давлат планларини гўё бажараётгандай кўриниш учун аҳолидан оширилган нархда мол сотиб олишмоқда. Натижада экономикага катта зиён етказилмоқда. Кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш каби ярамас иллатларга йўл қўйиляпти. Ўтган йили колхозда гектаридан 40 центнердан маккажўхори дони олингани ҳисоботда 80 центнер ҳосил олинди деб кўрсатилди. Беданинг ҳар гектаридан 150 центнер пичан олингани ҳолда ҳосилдорлик 210 центнер қилиб кўрсатилган. Хўжалик партия комитети эса бундай ҳол билан муросасозлик қилган, коммунист раҳбардан топширилган участкасида ишни яхшилашни қатъий талаб қилмаган.

Илгари хўжаликда боғдорчилик анча ривожланган тармоқ ҳисобланар, ҳар йили 200—300 тонна мева етиштирилар эди. Кейинги йилларда бу тармоқ ҳам оқсаб қолди. Уч йил ичида хўжалик давлатдан 210 тонна мева ва 93 тонна узум қарздор бўлиб қолди.

Ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида колхоз меҳнат аҳли олдида катта ва шарафли вазифалар турибди. Пахтакорлар қолоқлик доғини ювиш, гектаридан 40 центнердан хирмон кўтариш мажбуриятини олганлар. Юбилей йилида бошқа турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотишни ҳам анча кўпайтириш кўзда тутилган.

Бироқ, докладчи ва музокараларда сўзга чиққан коммунистлардан бригада бошлиқлари Ҳ. Хожимирзаев ва Б. Темиров, трактор парки мудири А. Қирсадоқов, бош зоотехник М. Турғунбоев, колхозчи С. Умрзоқова, пенсионер С. Муҳиддинов, колхоз раиси Ф. Мадалиев партия комитети ўз ишини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми талаблари асосида йўлга қўймаётганлигини, кадрларга нисбатан талабчанликни оширмаётганлигини таъкидладилар, ўз вазифасига сидқидилдан ёндошмаётган коммунистларни қаттиқ танқид қилдилар.

Колхознинг Ж. Анорбоев, Т. Тожибоев ва Ё. Мадалиев бошлиқ бригадаларида ғўза парваришининг бориши ҳозирги талабга жавоб бермайди. Экин сувдан қолиб, далаларни бегона ўт босиб кетган. Ғўза зараркунандаларига қарши кураш кўнгилдагидай ташкил этилмаган. 7-бригада механизатори А. Сиддиқов ва 2-бригада механизатори Х. Бегимқулов, механизаторлардан С. Тўхтаев, Р. Азимов, К. Алибоев ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қарамоқдалар.

Пахта терими яқинлашмоқда. Шунга қарамай колхозда йиғим-терим мавсумига тайёргарлик суст бораётир. Йиғим-терим техникаси ремонти чўзилиб кетди. Машина теримига мос даларни ажратиш ҳалигача тугалланмаган.

Чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш тўғрисида етарли ғамхўрлик қилинмаяпти. Бу йил мўлжалдагидан 10 гектар кам ерга беда экилган. Беда, маккажўхори, давлаги ва бошқа озуқабоп экинлар парвариши ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Йиғилишда шу нарса таъкидландики, интизомсизлик, кўзбўямачилик, топширилган иш учун масъулиятсизлик ҳоллари коммунистларнинг камчиликларга лоқайдлиги, пассивлиги оқибатида содир бўлмоқда. Коммунист қайси мансабни эгаллашидан қатъий назар хатога йўл қўйдими, нотўғри йўлга кирдими, партия аъзолари томонидан жиддий муҳокама қилиниши, ўз коллективи олдида жавоб бериши керак.

Колхозда маданий-маиший, физкультура ва спорт, ободонлаштириш, қурилиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бунда колхоз раисининг маданий-маиший ишлар бўйича ўринбосари коммунист Ш. Норматов ҳам айбдордир. Колхоз партия комитети коммунистларнинг социал-иқтисодий масалаларни ҳал этишдаги роли ва масъулиятини ошириши, камчиликларга нисбатан муросасизлик вазиятини вужудга келтириши зарур.

Йиғилишда Янгийўл район партия комитетининг биринчи секретари Л. Ш. Алиқулова сўзлади.

М. ПЕЙСЕНОВ.

1989 ЙИЛ ҲИСОБИГА

Янгийўл пойабзал фабрикасининг пешқадам ишчиси КПСС XXVI съезди делегати Орзихон Икматов республикамизнинг бир группа ишлаб чиқариш илғорлари қатори бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш юзасидан зиммасига юксак мажбурият қабул қилган эди. Ташаббускор ишчи ўз сўзининг устидан чиқиш учун фидокорона меҳнат қилиб қувончли натижаларга эришяпти. Ойлик топшириқлар 200 процентга етказиб адо этилмоқда. Шу туфайли айни кунларда 1989 йил ҳисобига ишламоқда.

Суратда: Коммунистлар меҳнат зарбдори, моҳир ишчи Орзихон Икматова.

В. СИРОТКИН фотоси.

ПАРТКОМ МУҲОКАМАСИДА

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида бу йил товар маҳсулоти ишлаб чиқариш салкам икки процентга камайиб кетди. Меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган топшириқлар муттасил бажарилмай келяпти. Қўрғошин, рух, мис рудасини қазиб олиш ва қайта ишлашда, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришда ҳам қолоқлик сезилмоқда. Шаҳар партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида бу камчиликлар тилга олинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми, Тошкент область партия комитетининг IV пленумида ҳам комбинат қолоқ корхоналар сифатида тилга олинган эди. Пленум талаблари асосида бажарилиши лозим бўлган вазифалар комбинат партия комитетининг навбатдаги мажлисида атрофлича муҳокама қилинди. Унда партком секретари Ж. Мирзалиев доклад қилди.

Кадрларга нисбатан талабчанликнинг сусайиб кетганлиги, меҳнат ва давлат интизомининг бўшашганлиги натижасида барча участкаларда қолоқлик сезилмоқда. Содир бўлган бир қатор авариялар ишлаб чиқаришга катта зарар келтирди. Топширилган иш учун масъулиятни ошириш лозимлиги мажлисда алоҳида уқтириб ўтилди.

Сўзга чиққан рух заводи бош инженери В. Дорофеев, комбинат директори В. Сигедин, Олтинтопган кон бошқармаси директори Ю. Прилепский инженер-техник ходимлар ва мутахассислар бажараётган ишларни атрофлича таҳлил қилдилар. Ишлаб чиқаришда илғор усуллар, айниқса, бригада пудрати суст қўлланаётганлиги учун ҳам маҳсулотларнинг кўпгина турларини ишлаб чиқариш топшириқлари бажарилмай қолаяпти. Мутахассис кадрлар айби билан ишлаб чиқариш технологияси кўп ҳолларда бузилмоқда. Техника бўлими ва бошқа участкаларда ишлаётган инженер-техник ходимлар ўз билим ва малакаларини оширишга эътиборсизлик билан қарамоқдалар, замонавий бошқарув усулларини суст эгалламоқдалар.

Мис эритиш заводи, Қалмоққир кони, автотранспорт бошқармасида олиб бораётган сиёсий-тарбиявий ишлар талаб даражасида эмас. Ўтказилаётган тадбирлар кутилган натижани бермаяпти. Бошланғич партия ташкилотлари бундай ҳоллар билан келишиб келмоқдалар. Мажлисда касаба союз ва комсомол ташкилотлари олдига ҳам катта вазифалар қўйилди. Жамоат ташкилотлари активлигини бутун чоралар билан ошириш зарурлиги уқтирилди.

Партком мажлисида Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари М. Мирқосимов иштирок этди.

Г. ВОСТРЯКОВА.



Юбилей объектларидан бири — Тошкент телевизионорасида радиоузатгич қурилмалар ва телевизион аппаратлар ўрнатиш ишлари ниҳоясига етай деб қолди.

Суратда: катта инженерлар А. Тюрин (чапдан), Н. Ахмедов ва электромеханик А. Рудаялар телеқурилмаларни созламоқдалар.

Р. Нуриддинов фотоси. (ЎзТАГ).

ХУЛОСАЛАР ЧИҚАРИБ ОЛДИК

Бу трест коллективи зиммасига масъулиятли ва шарафли вазифа юклатилган. Бунёдкорлар республикамиз пойтахтида асосан уй-жой қурилиши билан шуғулланадилар. Коллектив ишда муайян ютуқларга эришмоқда. Лекин улар олдида ҳал қилиниши лозим бўлган мураккаб вазифалар ҳам турибди. Айниқса уй-жой қурилиши сифати кўнгилдагидек бўлмаяпти. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида бу алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шу муносабат билан штатсиз мухбиримиз Т. Нажмий уй- жой қурилиш трести бошқарувчиси О. Исҳоқовдан коллективнинг шу кундаги ишлари, олдинда турган муаммолар ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида пойтахт шаҳримизда уй-жой қурилиши планлари сурункасига бажарилмаётганлиги, айниқса унинг сифати талаб даражасида бўлмаётганлиги зўр таъсирида бўлмаётганлиги зўр таъсирида ҳаракатлаётганлиги ва ҳамма фактлар тасдиқланган.

Бюро йиғилишида «Гулистон», Калинин номли, Свердлов номли, Охунбобоев номли колхозларда, асфальт-бетон заводи, ғишт заводи, пахта тозалаш заводи каби корхона ва ташкилотларда атеистик тарбия сусайиб кетганлиги таъкидланди. Газетада номлари тилга олинган коммунистлар Олимжон Киборжонов ва Абдукарим Эргашевларнинг эскилик сарқитидан халос бўлолмай, диний ақидаларга ишониб келганлиги партия йиғилишларида жиддий муҳокама қилинди, уларга қаттиқ ҳайфсан берилди.

Коллективда атеистик тарбияни бўшаштириб юборганликлари учун Калинин номли ва «Гулистон» колхозлари партия комитетлари секретарлари М. Ҳайдаров ва А. Мофиковлар огоҳлантирилди.

Район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимига бошланғич партия ташкилотларига, қишлоқ Советларига жойларда атеистик пропагандани ҳар томонлама кучайтириш, янгича урф-одатларнинг жорий қилинишини қатъий назорат остига олиш вазифаси топширилди.

Шу мақолага Оҳангарон район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ К. Икромовдан ҳам жавоб олинди. Жавобда айтилишича, «Парпи ота» муқаддас эмас» сарлавҳали мақола район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимида муҳокама қилинган. Муҳокамада район ва шаҳар Советлари ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, партия ташкилотларининг секретарлари, совхоз директорларининг маданий-маиший ишлар бўйича ўринбосарлари иштирок этишган. Бу йиғилишда район меҳнаткашлари ўртасида атеистик тарбияни янада кучайтиришга қаратилган тадбирлар ҳам ишлаб чиқилди.

РЕДАКЦИЯДАН: Оҳангарон район партия комитетидан олинган жавоб бизни тўла қаноатлантирмади. Чунки мақолада райондан «Парпи ота»га «ташриф» буюриб, иш вақтини беҳуда ўтказаётган шахслар тилга олинган эди. Уларга нисбатан жойларда қандай чора кўрилганлиги ҳақида аниқроқ жавоб кутамиз.

Мақола газетада босилганига бир ойдан кўпроқ вақт ўтишига қарамай Бўка район партия комитети редакцияга жавоб қилганича йўқ. Районда газетанинг чиқишидан қандай хулоса чиқарганликларини билишни истардик.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА

КАФЕДРА ҲУЗУРИДА ЛАБОРАТОРИЯ

● ТОШКЕНТ политехника институтининг «Кимёвий технология жараёнлари ва аппаратлари» кафедраси ўзига хос йирик тадқиқот марказига ҳам айланиб қолди. Бу ерда чигитни қуритиш ва сақлаш билан боғлиқ қатор илмий изланишлар ҳам олиб борилмоқда.

Кафедра олимлари бу соҳада дастлабки ютуқларни қўлга киритдилар. Бунда Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги мутахассислари билан боғлган ижодий алоқа қўл келди. Министрлик тавсияси билан кафедра ҳузурида янги лабораториянинг ташкил этилиши нур устига аъло нур бўлди.

Бу илмий-тадқиқот ўчоғи пахта чигитини қуритиш масалалари билан бевосита шуғуллана бошлади. Ушбу тадбир кафедранинг саноат корхоналари билан алоқасини янада мустаҳкамлаш имконини беради.

ЭКСПОНАТЛАРДА ЖОНЛАНГАН ТАРИХ

● СЕРҚУЁШ республикамизнинг шонли 60 йиллигн олдидан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида кўпгина ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Олий ўқув юртларида факультетлараро спартакиадалар, конкурс кечалари ўтказилмоқда.

Институт комсомол ташкилоти тарихини ўрганиш мақсадида у босиб ўтган шонли йўл ҳақида ҳикоя қилувчи талайгина ҳужжат ва фотосуратлар тўпланди. Студент комсомолларнинг меҳнат жасоратига бағишланган фотомонтажлар тайёрланди.

Бу материаллар янги ташкил бўлаётган олий ўқув юрти комсомол тарихи музейи экспозициясидан ўрин олади. Студентлар томонидан Ўзбекистон тарихига доир ёзилган рефератлар учун эса музейда алоҳида стенд ажратилади.

С. ОДИЛОВА.

РАЙОНДА ЯНГИ БОҒЧА

«ОРОМ» ИШГА ТУШДИ

1 сентябрь куни Калинин колхоз правленнеси хўжалик аъзоларининг ўғил-қизлари учун муносиб совға тайёрлади. Хўжаликнинг Жарариқ участкасида «Ором» деб номланган болалар боғчаси фойдаланишга топширилди.

Янги боғчани Аҳад Комилов бошлиқ 11-кўчма механизациялашган колонна қурувчилари бунёд этишди.

240 минг сўм маблағ сарфланиб қурилган бу боғчада хўжалик аъзоларининг 120 ўғил-қизи тарбияланади. Бу билан хўжаликда болалар боғчаси сони бештага етиб, 500 нафар кичкинтойни ўз бағрига олди.

Бу йил хўжаликдаги боғчалардан 120 тарбияланувчи мактаб қучоғига узатилди.

А. МИРЗААҲМЕДОВ.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ПАРПИ ОТА» МУҚАДДАС ЭМАС»

Газетанинг шу йил 1 августсонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолага Пскент район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ У. Баҳодировдан жавоб олинди. Жавобда ёзилишича, газетанинг танқидий мақоласи район партия комитетининг бюросида муҳокама қилинган. Мақолада келтирилган ҳамма фактлар тасдиқланган.

ҚИШЛОҚ УЗРА ЯНГРАР ТАРОНА

ОҚҚҮРҒОН РАЙОНИ СТАДИОНИДА АГИТПОЕЗДЛАР, АГИТБРИГАДАЛАР, АВТОКЛУБЛАРНИНГ ПАХТА ИИҒИМ-ТЕРИМ МАВСУМИ ОЛДИДАН ТАЙЁРГАРЛИҒИ БЎЙИЧА ОБЛАСТЬ ҚЎРИК-КОНКУРСИ ЎТКАЗИЛДИ

ОҚҚҮРҒОН району марказидаги стадион бугун байрамона тусга кирди. Кўм-кўк майсалар ўсиб ётган кенг майдонда агитпоездлар, кино қурилмалар, кўчма кутубхоналар, агитбригадалар коллективлари бир қатор саф тортишган. Улар бугун катта имтиҳондан ўтишади. «Оқ олтин»дан улкан хирмон уйиш ниятида меҳнат қилаётган дала миришкорларига хизмат қилиш учун қандай тайёргарлик кўрганликларини намойиш этадилар. Кўрик-конкурсга областимизнинг деярли барча шаҳарлари ва районларидан келган агитколлективларнинг пухта ҳозирлик кўришгани яққол сезилиб турарди.

Ҳаваскорлар бироз машқ қилганларидан сўнг область маданият бошқармасининг бошлиғи В. А. Емцов қисқача кириш сўзи билан конкурсни очиқ деб эълон қилди. У бу йил 5-марта ўтказилаётган бундай кўрик мавсум давомида дала меҳнаткашларига хизмат кўрсатишни янада яхши йўлга қўйишда яхши ёрдам бераётганини таъкидлади ва конкурсда ғолиб чиққанлар далада, меҳнаткашлар ўртасида ҳам доимо ана шундай аъло даражада хизмат кўрсатишларига ишонч билдирди.

— Кўрик-конкурсимиз «5» балли системада ўтади, — деди у, — репертуарларнинг ранг-баранглиги, либосларнинг кўркамлиги, техник воситалар шайлиги, кўргазмалар, фотостендларнинг безатилиши, кўчма кутубхоналар фонди, медицина ва маиший хизматнинг ташкил қилиниши бўйича берилган баҳолар конкурсдаги ўринларни белгилаб беради.

Жюри аъзолари группаларга бўлиниб, коллективларнинг барча соҳалар бўйича тайёргарлигини текшира бошладилар.

«Оқ олтин» тасвири акс этган оппоқ либос кийган Олмалиқ агитколлективи ҳаваскорлари майдонга тушдилар. Улар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига ва пахтакорларга бағишлаб мазмунан жуда бой ва ранг-баранг куй-қўшиқлардан иборат «Ўзбекистон — менинг Ватаним» деб номланган сценарий программасини намойиш этдилар.

Кўрик-конкурс қатнашчилари Бекобод район маданият уйи «Зафар тароналари» ансамбли бадиий ҳаваскорлари ижросида шўх рақсларни томоша қилдилар. Ансамбль аъзолари асосан колхозчи қизлардан иборат. Уларга Тожихон Қурбонова раҳбар. Рақс ижро этишдаги ўзига хос маҳоратлари, жозибалари ва фусункорликлари билан ансамбль қизлари бошқалардан ажралиб турдилар.

Сўнгра Оққўрғон район маданият уйи «Пахтакор-84» бадиий агитбригадаси аъзолари «Пахтазор—мардлар майдони» номли сценарий программасини томошабинларга тақдим этишди. Эргаш Пардашев билан Абдуқодир Баировлар олиб борган бу сценарий барчага манзур бўлди.

Ҳар йилги кўрик-конкурсда чирчиқликлар ва янгийўлликлар муносиб ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Навбатдаги кўрикда ҳам уларнинг куй ва қўшиқларни ижро этишдаги маҳоратлари, музика асбоблари билан таъминланиши, кино ва медицина хизмати, кўчма кутубхоналарнинг бойлиги ҳамда агитколлективларнинг мавсум давомидаги иш плани ҳар томонлама мукаммал деб топилди.

Конкурсда биринчи ўринни олган Чирчиқ шаҳар, Оққўрғон ва Янгийўл районлари агитбригадалари коллективлари, Оҳангарон район «Октябрь» совхози ҳамда Паркент район Калинин номли совхоз автоклублари Фахрий ёрлиқлар билан мукофотландилар.

Шу кунги кўрикка Бўка район агитпоезди коллективи ҳам катта тайёргарлик билан келди. Бу синовда улар иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди. Янгиобод шаҳар ва Янгийўл районидаги У. Юсупов номли аграр ишлаб чиқариш бирлашмаси бадиий ҳаваскорлари санъати ана шу ўринга лойиқ деб топилди.

Бекобод, Оҳангарон районлари Олмалиқ, Ангрен шаҳарлари ва Бекобод районидаги «Ленинград» совхози автоклуби учинчи ўринни эгаллади.

Қатор бадиий ҳаваскорлик коллективлари, уларнинг раҳбарлари кўрикда муваффақиятли қатнашганликлари учун область маданият бошқармасининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

М. ШАРИПОВА.

Суратларда: (юқоридан пастга) Бекобод район маданият саройининг «Зафар тароналари» бадиий ҳаваскорлик ансамбли раққоса қизлари; Оққўрғон район «Наврўзи ажам» халқ ашула ва рақс ансамбли солистлари ва пахтакорларга медицина ёрдами кўрсатишни намунали йўлга қўйган Бўка районидаги агитпоезднинг тез ёрдам машинаси.

З. ИСРОИЛОВ фотолари.

ДЎСТЛАР ДИЁРИДА

Дўстлик ва биродарлик борасида гап кетганда, «улар бир дарёдан сув ичиб, бир бурда нонни баҳам кўрганлардан» дейдилар. Бу таъбир содданамо, аммо гоят теран мазмунлидир. Сув ва нон—инсон ҳаётининг қўш илдизи. Фақат чин дўстларгина тенг бўлишиб, қўлни қўлга бериб яшашга қодирлар. Ўзбек ва тожик халқлари дўстлигини васф этганда, «бу дўстлик сирини Сирдарё айтсин» деб беҳуда куйламайдилар.

Сирдарёнинг икки қирғоғида даврон сураётган ўзбек ва тожик халқларининг дўстлиги азалий ва абадийдир. Дарё сувига тош отган билан унинг шаштини ҳеч ким қайтаролмайди. Шу янглиғ бу халқлар дўстлигининг тошқин дарёсини бирор кимса, бирор ёвуз куч тақсимлашга, шаштидан қайтаришга ожиздир. «Ён қўшни — жон қўшни» бўлиб яшаётган Тошкент ва Ленинобод областлари меҳнаткашларининг боғу роғлари, денгиздек мавжланиб гуркираб яшнаётган пахтазорлари фақат Сирдарё сувидангина эмас, балки ана шу дўстлик об-ҳаётидан ҳам бахраманддир.

Ҳеч кўз ўнгимдан кетмайди. Яқинда Ленинобод области районларида Тожикистон илм ва адабиёт кунлари ўтказилди. Тошкентдан Назармат ака билан мени ҳар иккала республиканинг 60 йиллик юбилейи муносабати билан ўтказилаётган ана шу байрамга таклиф қилишди. Бу дўстона таклифнинг яна бир қувончли сабаби бор эди: Нов районида Тожикистонда яшаб, ўзбек тилида самарали ижод қилган, икки халқ дўстлигига муҳим ҳисса қўшган Аширмат Назаровнинг 70 йиллик юбилейини ўтказишга қарор қилинган эди.

Қардошлар диёридаги тантаналарда ўзбек ва тожик халқлари дўстлиги мангулигининг янги бир қирраси намоён бўлди. А. С. Пушкин номидаги Ленинобод область театри биносида катта мушоира ўтказилди. Залга одам сиғмасди. Мушоира минбарига Тожикистон ёзувчилар союзининг секретари Ибодулла Файзуллаев, Тожикистон халқ шоири Мирсаид Миршакар, Фотиҳ Ниёзий, Ҳожи Содиқ, Лойиқ Шерали, Қутби Киром ва бошқа адиблар кўтарилдилар. Уларнинг чиқишларини шеърият мухлислари қарсаклар билан кутиб олдилар.

— Тошкентдан меҳмонлар таширриф буюрдилар,— хабар

ҚАРДОШЛИК МУШОИРАСИ

қилади Ленинобод область партия комитетининг секретари Б. Раҳимова. Шеърхонлик навбати бизга келади. Қардош шеърият мухлисларини янги шеърларимиз билан таништирдик.

Шеърхонлик кечаси область санъаткорлари чиқишлари билан якунланди.

Эртаси куни адабиёт кунлари қатнашчилари икки группага бўлинди. Бир группа Конибодом, Исфара, Ашт районларига жўнаб кетишди. Биз иккинчи группа билан Пролетар, Нов, Ўратепа районлари меҳнаткашлари билан учрашувга йўл олдик. Манзиллар мевазор боғлар, беполён пахтазорлардан ўтарди. Ҳамма ерда юбилей йилида юқори пахта ҳосили етиштириб, улуғ тантаналарга муносиб тўёналар тайёрлаш учун чинакам фидойилик намуналари кўрсатилаётганлигининг гувоҳи бўлардик.

Биз Пролетар районидаги Ленин номли гигант колхоз далаларида бўлдик. Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуғаффор ота Самадов раис бўлган бу коллектив давлатга ҳар йили 34 минг тоннага яқин «оқ олтин» топшириб келмоқда. Бу колхоз бизнинг Бекобод районимиздаги Ленин номли колхоз билан мусобақадош. Колхоз раҳбарлари, бригада бошлиқлари мусобақа шартларини бажариш, она-Ватанга ҳар йили мўлкўл пахта етказиб бериш учун ҳамкор, ҳамдам бўлиб, ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилиб келаётганликларини, бекободликлар бу ердан, бу колхоз вакиллари эса Бекобод пахтакорлари ишларидан хабар олиб турганликларини қувонч билан сўзладилар. Чиндан ҳам дўст-дўстга ҳамкор ва қадрдон. Бекобод, Бўка районлари қардош республиканинг Масчоҳ ва Нов районлари билан ён қўшни, бир дарёдан сув ичиб, бир карвон йўлидан давлатга «оқ олтин» элтадилар.

Қардошлар диёрида, Ленинобод шаҳрида, Пролетар, Нов, Ғончи, Ўратепа районларида ўтказилган мушоиралар, ширин суҳбатларни унутмоқ амри маҳол. Ҳамма жойда икки тилда шеър жаранглади, залда ўтиргандар баравар қарсак чалишиб, офаринлар айтишдилар ва ҳар сафар Тожикистон ССР халқ шоири Боқий Раҳимзоданинг ажиб рубоийсини эслардим:

Бошқа халқларни осон фарқ этмоқ,
Бизларни фарқламоқ мушкулдир, бироқ,
Кўрганлар сўрарлар таажжуб ила:
Сен — тожик ё ўзбек? Айтгин, эй ўртоқ!

Ж. ҚУВНОҚОВ.

ЎҚИТУВЧИЛАР МАЛАКА ОШИРМОҚДАЛАР

БЕКОБОД. Умумтаълим ҳамда ҳунар мактабларида ислоҳот муносабати билан ўқув программалари такомиллаштирилиб, ўқитишнинг янги методларини ишлаб чиқишга киришилди. Бу эса ўқитувчиларда изланишни, ўқиш-ўрганишни, малака оширишни талаб этади. Бугунги кунда кўплаб ўқитувчилар ўз малакаларини оширмоқдалар.

Қори-Ниёзий номли 56-мактабда янги «Алифбе»ни ўқитиш бўйича 84 нафар ўқитувчи малакасини ошириб, дарс ўтишнинг янги методларини ўргандилар. Бу курсда олимлар, илмий ходимлар, тажрибали ўқитувчилар машғулотлар ўтказишди.

Ҳозирги кунда Зафардаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида 32 нафар тарих ўқитувчиси, Бекобод шаҳрида рус тили ва адабиёти ҳамда бошлангич синф ўқитувчилари малака оширмоқдалар.

А. БОБОНАЗАРОВ.

НАФОСАТГА МЕҲР УЙҒОТИБ

Мактабни ислоҳ қилишга доир ҳужжатларда синф раҳбарлари фаолиятини янада жонлантириш лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Синф раҳбари ўз вазифасини адо этиш жараёнида ўқувчилар билан кенг кўламда тарбиявий ишлари ҳам олиб бориши керак. Бу соҳада ўқитувчиларга ёрдам бериш мақсадида Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи ходимлари қатор ибратли тадбирларни белгилашди.

Музей ҳузурида синф раҳбарлари учун махсус семинарнинг ташкил этилганлиги мақсадга мувофиқ бўлди. «Музей ва ўқувчиларни эстетик тарбиялаш» деб номланган ушбу семинар машғулотларида нафосат тарбияси билан боғлиқ масалалар атрофлича ёритиб борилади.

«Санъатнинг ёш мухлислари»деган тўгарак машғулотлари ҳам жуда қизиқарли ўтади. Унга мактабларнинг 5—7-синфлари ўқувчилари аъзо бўлишлари мумкин. Юқори синф ўқувчилари учун эса музейда «Гўзаллик оламида» деган лекторий фаолият кўрсата бошлади.

А. АЛИЕВ.

ҲАММАСИ ДЕҲҚОНЛАР УЧУН

ШУ КУНЛАРДА Калинин райони далаларини кезган киши кўчма савдо группалари ва кўплаб автолавкаларни учратади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳар йили район маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси далаларда экин-тикин ҳамда пишиб етилган ҳосилни йиғиб-териб олиш айни қизғин паллага кирган кезларда деҳқонларга барча хизмат турларини бевосита далаларда кўрсатишни кенг кўламда уюштиради.

Ҳозир район хўжаликларида 2 та кўчма савдо группаси коллективи қишлоқ меҳнаткашларига савдо ҳамда маданий-маиший хизмат кўрсатмоқда. Бу группалар составида сартарошлар, сураткашлар, пойабзалларни ремонт қилувчи усталар, шунингдек комплекс қабул пунктининг буюртма қабул қилувчи махсус ходимлари бор. Улар бевосита колхоз ва совхозларнинг марказларида, бригадаларнинг дала шийпонларида бўлишиб, аҳолидан кийимларни химиявий тозалаш, янги кийим-кечаклар тикиб бериш, шунингдек бошқа хизмат турлари бўйича буюртмалар қабул қиладилар.

Шуниси қувончлики, далада иш қизиған пайтларда кир ювиш машиналари, холодильниклар, радиоприёмник ва телевизорлар ҳам район маиший хизмат бошқармаси ходимлари томонидан бевосита хонадонларнинг ўзида тузатиб берилмоқда. Бундан ташқари, барча колхоз ва совхозларда кийим тикиш ва пойабзалларни ремонт қилиш устахоналари, бир нечта сартарошхоналар мунтазам ишлаб турибди. Хасково ва Ўртаовул посёлкаларида маиший хизмат уйлари қурилаётир.

Районда дала меҳнаткашларига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхши йўлга қўйиш борасида халқ депутатлари қишлоқ Советлари ижроия комитетларининг доимий комиссиялари, депутатлик группалари ва постлари, айниқса, активлик кўрсатмоқдалар.

Ё. МОРДУХАЕВ.

ПЕШҚАДАМЛИКНИ ҚЎЛДАН БЕРМАЙ

Абдусаттор Абдужабборов бошлиқ бригада коллективи ғўза парваришини намунали олиб боришда Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозида пешқадамликни қўлдан беришмаётир. Ўтган куни бригада далаларида бўлган сифат комиссияси аъзолари 92 гектар майдондаги ғўзалар ривожи кўнгилдагидай эканлигини қайд этишди. Бригада аҳли социалистик мусобақа шартларини аъло даражада бажарганлиги учун кўчма Қизил байроқ ва 50 сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

— Юбилей йили маррамиз 40 центнерлик давонни эгаллашдан иборат,— дейди бригада бошлиғи А. Абдужабборов.— Айни кунларда механизаторимиз Ўктам Хўжамқулов, сувчиларимиз Остонақул Ражаббоев, Б. Қўзиевлар ана шу мажбурият масъулиятини ҳис этган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг ғайратшижоатлари туфайли ёз давомида экинларга саккиз марта комплекс ишлов берилиб, тўрт марта сув таралди. Пахтачиликдаги муҳим тадбир — чеканка 6 иш кунида ниҳоясига етказилди. Эндиликда асосий эътиборимиз йиғим-теримга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга қаратилган.

Т. ЎЗГЕНОВ.

ЖАҲОН ЭЛ АХБОРОТИ

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● БУДАПЕШТ. Венгрия пойтахтида қишлоқ хўжалигида инженерлик масалаларига бағишланган халқаро конгресс очилди. Конгресс ишида жаҳондаги 40 мамлакатдан, шу жумладан Совет Иттифоқидан келган 600 га яқин олим қатнашмоқда. Улар мелиорация ва суғориш соҳасида ҳозирги вақтда эришилган ютуқларни, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, механизациялаштириш, электрлаштириш, меҳнатни ташкил этиш масалаларини, энергетика проблемаларини муҳокама қиладилар. Конгресс программасига кўра Венгриядаги илғор қишлоқ хўжалик кооперативлари ва давлат хўжаликларига, илмий-тадқиқот марказларига борилади. Турли мамлакатларнинг мутахассислари Венгрия аграр фанининг янги ютуқлари билан, республиканинг йирик агросаноат комплексларида хўжалик юритишнинг илғор усуллари билан танишадилар.

● ГАВАНА. Кубалик парламент аъзолари жаҳонда вазиятнинг кун сайин мушкуллашиб бораётганлигидан жиддий ташвишланмоқдалар. Уларнинг фикрича, жумладан Яқин Шарқда, Жанубий Африкада ва Марказий Америкада давом этаётган регионал можаролар айниқса ташвиш тугдирмоқда. Бу можароларни Америка империализми ва тинчликнинг бошқа душманлари авж олдирмоқда. Куба халқ ҳокимияти миллий ассамблеясининг раиси Флавио Брапо Пардо «Гранма» газетаси мухбири билан суҳбатда шу гапни айтди.

Социалистик Кубанинг тинчликни сақлаб қолиш, кучайиб бораётган уруш хавфига қарши курашдаги позицияси қатъий ва ўзгармас позиция бўлиб қолади, деб сўзини давом эттирди у. Биз танглик йўлидаги ҳар қандай ташаббусни изчиллик билан қўллаб-қувватлаймиз. Турли ижтимоий системадаги давлатлар билан алоқаларни, шу жумладан, парламентлараро алоқаларни кенгайтириш тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради ва термоядро ҳалокатининг олдини олиш имкониятини кўпайтиради, деб ҳисоблаймиз, деб уқтирди Ф. Брапо Пардо.

● БРАЙТОН. Бу ерда Британия тред-юнионларининг ҳар йилги 116-съезди иш бошлади. Ун миллиондан кўпроқ кишини бирлаштирган ва мамлакатда энг йирик касаба союз бирлашмасининг вакиллари М. Тэтчер бошлиқ консерваторлар ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатига қарши курашда Буюк Британия уюшган ишчилар ҳаракати стратегияси ва тактикаси масалаларини муҳокама қилмоқ учун бу ерга келишган. Съезд иш бошлаши олдидан Буюк Британиянинг иш ташлаган кончилари билан оммавий бирдамлик намойиши ўтказилди.

● БАЙРУТ. Ливан ватанпарварлари ўтган кунлар давомида Исроил армияси оккупация қилиб турган Жанубий Ливанда босқинчиларга қарши уч марта муваффақиятли жанговар операция ўтказдилар. Бу ердан олинаётган хабарларга кўра, Ансар қишлоғи яқинида Исроил армиясининг механизациялашган соқчилари гранатомёт ва автомат қуролдан ўққа тутилган. Ансар ва Маржаюн аҳоли пунктлари районида партизанлар қўйган минадан яна икки соқчи ҳалок бўлган. Босқинчилар орасида ўлганлар ва ярадор бўлганлар бор.

Исроилнинг қотил бўлинмалари жанговар операциялар ўтказилган районлардаги аҳоли ўртасида ялпи тинтув ва қамоққа олиш ўтказганлар.

● АНҚАРА. «Тержоман» газетасининг хабар қилишича, Туркияда ҳар еттисаккиз боладан бири ярим ёшгача етмай ўлиб қолмоқда. Туркия матбуотининг ёзишича, айниқса мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган районларида — шарқий ва жануби-шарқий вилоятларида малакали медицина ёрдами ниҳоятда етишмаётганлиги сабабли ана шундай ташвишли аҳвол юз бермоқда.

● ДАМАШҚ. Исроилликлар Иордан дарёсининг босиб олинган ғарбий соҳилидаги ва Ғазо секторидаги араблар яшаётган аҳоли пунктларида жойлашган мусулмонларнинг муқаддас жойларини таҳқирламоқдалар. Бу ердан олинаётган хабарларга қараганда, улар ўтган икки ҳафта давомида шарқий Қуддусдаги марказий мачитлардан бири—Алқўса мачитини талон-тарож қилиш учун бир неча марта уринганлар. Мусулмон раҳбарларининг зўравонлик қилаётган сионист мутаассибларнинг ҳуружларини тўхтатиш ҳақида оккупацияни маъмурларга мурожаат қилиш йўлидаги барча уринишларини Тель-Авив қўпол равишда рад қилди. Қуддуснинг бош муфтийси А. Алами араб аҳолисига нисбатан қилинаётган жабр-зулм ва қонунга ҳилоф ҳаракатлар учун бутун масъулиятни Исроил ҳукмрон доиралари зиммасига юклади.

● ВЕНА. Исроилда пулнинг қадрсизланиши ана шу мамлакатнинг бутун тарихи давомида мисли кўрилмаган даражага — 400 процентга етди. Австрияда чиқадиган «Курир» газетаси ана шуни хабар қилиб, бу кўрсаткич Исроил экономикасида молиявий тартибсизликни кўрсатувчи яққол далилдир, деб уқтиради.

● ДОР-УС-САЛОМ. Бужумбурадан олинган хабарларга қараганда, Бурунди республикасида шу йил 31 августда бўлиб ўтган президент сайловининг натижалари эълон қилинган.

Ташқи ишлар министрлигининг хабарида уқтириб ўтилишича, давлатнинг ҳозирги бошлиғи, бирлик ва миллий тараққиёт ҳукмрон партиясининг раиси Жан-Батист Багаза кўпчилик овоз олиб, иккинчи беш йиллик муддатга сайланган. Сайловчиларнинг 99 процентидан кўпроғи унинг учун овоз берган.

(ТАСС).

НИКАРАГУА ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ НОТАСИ

МАНАГУА. (ТАСС). Никарагуа ҳукумати Рейган маъмуриятининг шу суверен республикага қарши яна бир жиноий қуролли иғвогарлиги муносабати билан АҚШ давлат департаментига норозилик нотаси юборди. Америкада ишлаб чиқарилган учта ҳарбий самолёт ва вертолёт Гондурасдан Никарагуанинг осмон бўшлиғига бостириб кириб, Санта-Клара посёлкасига ракеталар отганлиги илгари хабар қилинган эди. Шу газандалик ҳаракати натижасида бир неча аёл ва гўдак ҳалок бўлди. Сандиночилар халқ армиясининг зенитчилари ҳужумда қатнашган вертолётни уриб туширдилар. Никарагуа ташқи ишлар министрлигининг нотасида уқтириб ўтилишича, самолётлар ва вертолёт Агуаката ва Ҳамастранада яқинда Пентагон томонидан қурилган Американинг ҳарбий базаларидан учиб келган.

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШЧИЛАР БИЛАН БИРДАМЛИК

ЛОНДОН. (ТАСС). Консерваторлар ҳукуматининг АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг Гринэм-Коммондаги базаси яқинидаги «Тинчлик лагери»ни тугатиш режаларидан дарғазаб бўлган Буюк Британия кенг жамоатчилиги чодир шаҳарча мард аҳолисини қатъиян қўллаб-қувватламоқдалар. Шимолий Ирландия хотин-қизларининг ҳуқуқлари учун кураш ҳаракатининг қатнашчилари консерваторлар кабинети британиялик тинчлик ва қуролсизланиш учун курашчиларга нисбатан дўқ-пўписа ва жабр-зулм сиёсатини ўтказаётганлигини қаҳр-ғазаб билан қораладилар.

БОСҚИНЧИЛАРНИНГ БЕБОШЛИКЛАРИ

БАЙРУТ. (ТАСС). Тель-Авив ўз қўшинларини Ливандан олиб чиқиб кетиш ниятида эмас. Исроил армияси инженерлик қўшинлари қўмондони генерал Я. Когеннинг айтган гаплари шундан далолат беради. У ўзига бўйсунган қисмлар шу йил июнь ойида Ливаннинг Бекаа водийсида янги мудофаа чизиғи қуришга киришганлигини эълон қилди. Бу лойиҳа Исроилнинг солиқ тўловчилари учун 12—13 миллион Америка долларига тушади. Ишларнинг ҳамма-сини қиш бошлангунгача тугаллаш мўлжалланмоқда. Маҳаллий оммавий ахборот воситалари яқинда босқинчилар Баруқ тоғ тизмаси чўққисида теварак-атрофни электроника ёрдамида кузатиб турадиган янги системани ишга туширганликларини ҳам хабар қилмоқда.

Айни вақтда Байрутда чиқадиган ҳафталик «Ал-Кифох Ал-Арабий» газетаси Исроил раҳбарлари «Ливан жанубини ҳимоя қилувчи армия» деб аталмиш қўғирчоқ армияни ёлланган ажнабийлар ҳисобига кучайтириш ниятида эканликларини ёзади.

● Ғарбий Германияда Америка Қўшма Штатларининг биринчи зарба берадиган ядровий ракеталари ўрнатилишига қарши кураш давом этмоқда. ГФР тинчликсевар кучлари «Першинг-2» ракеталари ўрнатилаётган АҚШ ҳарбий базалари олдида оммавий норозилик митинглари ўтказмоқдалар. Полиция бу чиқишларга қарши қўпол куч ишлатмоқда, тинчлик тарафдорларини қамоққа оляпти.

«Штерн» журналидан олинган ушбу суратда АҚШнинг Мутлангендаги базаси олдида ўтказилган намойиш қатнашчиларини қамоққа олиш пайти тасвирланган.

ТАСС фотохроникаси.



● Ўлкамизга қўйин-қўнжи тўлиб олтин куз келди. Полизларда қовун-тарвузлар боғларда мева ва узумлар ғарқ пишди. Сиз суратда кўриб турган бу мўл ҳосилли узумзор Паркент районидаги «Гулбоғ» совхозига қарашли. Айни кунларда хўжалик соҳибкорлари етиштирилган меваларни тезроқ йиғиштириб олиб, шаҳарликлар дастурхонига жўнатиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Суратда: хўжаликнинг илғор ишчиси Н. Тўйчиев узумзорда.

А. АБАЛЯН фотоси.

С. ЧУЙКОВ ПОЛОТНОЛАРИ ТОШКЕНТДА

СССР Халқ рассоми, СССР Давлат мукофотларининг лауреати Семён Афанасьевич Чуйковнинг картиналари халқларнинг тарихи тўғрисида, уларнинг тақдирлари ҳақида, замонамиз тўғрисида ҳикоя қилади. Тошкентда очилган виставка совет рассомчилигининг ажойиб устаси туғилган куннинг 80 йиллигига бағишланган. Бу ерда намойиш этилаётган юзга яқин полотнода авторнинг ижодий йўли, унинг изланишлари ва интилишлари акс эттирилган.

Виставкада рассомнинг илгари ишлаган асарлари оз эмас. Қирғизистонда туғилиб ўсган рассом жонажон юрт манзаралари, тоғлар, қишлоқлар, ўтовларни зўр меҳр билан чизган. Шу ўлка, оддий меҳнаткашлар унинг ижодида умр бўйи асосий мавзу бўлиб қолди. «Бизнинг Қирғизистонда», «Қирғиз колхоз сюитаси» туркумига доир картиналар эътиборлидир. «Чўпон қизи», «Тушлик дам олиш», «Боғдаги буғдойзор» полотноларида акс эттирилган воқеалар ва кишилар совет Қирғизистонининг кенг умумлашган образини яратган.

Рассом Ҳиндистонни ҳам жон-дилидан севарди. Ҳиндистон сюжетлари устидаги ишлари секин-аста «Қардошларимиз» деган катта бир туркумга айланиб, шарқ халқларининг ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилди. Тошкентликлар ана шу туркумдаги энг яхши асарлар — «Ҳаммол қўшиғи», «Паст табақа келин-куёвлар» билан танишишлари мумкин.

(ЎзТАГ).

«ЁТИБ ҚОЛГАН» ЁТОҚХОНА

Нима бўлди-ю, Студентлар шаҳарчасига йўлим тушиб қолди. Ҳамма ёқ озода, йўлкаларга сувлар сепилган, соя-салқин ерларга ўриндиқлар қўйилган. Ҳозирги студентларга ҳавасим келади. Улар учун жуда яхши шароитлар яратиб қўйилган, деб кетаётгандим... Э, воҳ... Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг тупроқлари чангиб ётган каттагина майдондан чиқиб қолдим. Нима бўлганига ақлим етмай, чор атрофга аланглай бошладим. Кейин билсам, бу ерда қурилиш ишлари кетаётган экан. «Қурилиш бор ерда, албатта, чанг-тўзон ҳам бўладида», деб йўлимда давом этдим. 20—30 қадам босарбосмас 85-ётоқхона қаршисидан чиқиб қолибман. Бу ерда ҳам иш қизғин: ётоқхона ҳовлисининг ярмида эски, ярмида яп-янги кроватлар тоғдек уюлиб ётибди. 15—20 нафар йигит-қиз (кейин билсам студентлар экан) янги кроватларни ичкарига ташишяпти. Азбаройи қизиққанимдан уларни саволга тутдим.

— Эй, опажон, биз гапирмайлик, сиз эшитманг,— дейишди улар. — Бу ётоқхона ремонтини 1983 йилнинг май ойида бошлашган эди. Мана бир йил-у, икки ойдан ошибдики, битай демайди. Бу ерда физика ва журналистика факультетини чала ташлаб кетиш инсофдан эмас, бир амаллаб ремонт-қурилиш бошқармасининг бошлиғи А. Шабуров билан учрашдим. «Ремонт ишлари ҳақида аниқ бир гап айта олмайман, — деди у ҳам томдан тараша тушгандек қилиб. — Бу ерга ишга келганимга атиги 6 ой бўлди, холос. Яхшиси университетнинг хўжалик ишлари бўйича проректори Р. Саркисянга учраша қолинг».

Маълум бўлишича, Меҳнат Қизил Байроқ орденли В. И. Ленин номидаги ТошДУ қошида ремонт-қурилиш бошқармаси ташкил этилган бўлиб, асосий ишчи кучи кечки бўлим студентларидан иборат экан. Ана шу бошқарма ишчилари 1983 йилнинг май ойида 85-ётоқхонада капитал ремонт ишларини бошлаб юборишибди. Ётоқхона икки корпусдан иборат бўлиб, битта бўлими 6 ой ичида ремонтдан чиқарилган. Лекин иккинчи корпус ремонти қачон тўла-тўкис тугалланишини ҳеч ким билмайди.

Кўриниб турибдики, бу ерда ҳамма иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу ҳақда ҳеч ким ортиқча жон койитмоқчи ҳам эмас. Акс ҳолда бошқарма бошлиғи А. Шабуров «Ишга келганимга 6 ой бўлди. Биз фақат ижрочилармиз, нима буюришса шуни бажарамиз», — деган баҳонани рўкач қилмаган бўларди. Коллективда уюшқоқлик, ишчанлик руҳи мутлақо йўқ, десак янглишмаймиз. Меҳнат интизоми ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Бу ҳақда пайвандчилар бригадасининг бошлиғи М. Сулаев шундай дейди:

— Бундай танг шароитда ишлашга қандай чидаб юрганимизга ўзимиз ҳам ҳайронмиз. Зарур қурилиш материаллари ҳеч қачон ўз вақтида етказиб берилмайди. Маошимизни доим кечикиб оламиз. Икки йилдан бери меҳнат отпускасига чиққаним йўқ. Ишчиларга ҳеч қанақа маданий-маиший шароит яратиб берилмаган. Баъзан 3—4 кунлаб ишламаймиз. Тўғрироғи, иш жойида бекор ўтириб, вақт ўтказамиз. Оқибатда кўп ишчилар ишдан бўшаб кетишга мажбур бўлмоқдалар. Шахсан менинг ўзим ҳам анчагина ишчан йигитларимдан айрилиб қолдим. Тегишли ташкилотларга қайта-қайта мурожаат қилдик. Лекин фойдаси бўлмаяпти...

Мана энди масала бироз ойдинлашди. Ҳамма гап масъулиятсизлик ва сансалорликда экан. Ахир ремонт ишлари бошлангандан буён ўтган вақт ичида бутун бошлиқ янги бинони қуриб, ишга ҳам тушириш мумкин эдику! Университет ректорати, партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари бундан хабардормикин? Ёки проректор Р. Саркисян туя гўшти еган ётоқхонадаги бу ҳангомаларни улардан яшириб юрганмикин?..

Орастахон котибаси:
Г. ЙЎЛДОШЕВА.

ҲАР ТЎҒРИДА

УЧАР ҚУШ МАРШРУТЛАРИ

Грузиялик авиаторлар фойдаланиш учун ғалати бир картали бўлдилар. Тбилиси университетининг орнитологлари (қушшуносларни) Кавказ устидан учиб ўтувчи қушларнинг маршрутларини аниқлаб, шу картага туширдилар.

— Грузияда икки юз хилдан кўп парранда яшайди,— деди картанинг авторларидан бири доцент Р. Жордания.— жанубдаги мамлакатларга бораётиб, йўлда тўхтаб ўтувчи яна қарийб шунча қуш мамлакатнинг шимолий районларидан келиб, республика территорияси устидан ўтади. Ҳар бир қуш ғаласининг севган учиш маршрутлари бор, баъзиларида эса ҳаттоки... сўқмоқлар ҳам бор. Гап шундаки, айрим парранда турлари йўлнинг бир қисмини Қора денгиз соҳили бўйлаб сакраб-сакраб ўтишни афзал билади. Босфор бўғози олдига боргандагина ана шу пиёдалар яна ҳавога кўтарилади.

К. ЦХОМЕЛИДЗЕ,
ТАСС мухбири.
ТБИЛИСИ

БИР ТУП ДАРАХТДАН БУНЕД БЎЛГАН БОҒ

Суми область Кролевец районидаги олтинчи мактаб боғида ҳосил терила бошлади. Бу боғ... бир туп олмадан иборат бўлганлиги билан ғалатидир.

Бундан 100 йил аввал ўтказилган дарахт навдаси эгилиб ерга тегиши билан илдиз отиб кўпаяверади. Олма оғирлигидан эгилган шох ерга теккач илдиз отиб кетаверади. Шу тахлитда ўзаро боғланган ўн беш туп олма пайдо бўлган. Уларнинг умумий диаметри 50 метрдан ошади.

Бу олманинг таъми тотли бўлиб, қаттиқ совуқ тушгунча туради. Бир вақтлар И. В. Мичурин бу ноёб дарахтга қизиқиб қолган ва маҳаллий боғбонлар унга олманинг қаламчаларини юборганлар.

Н. ВОРОНЕНКО,
ТАСС мухбири.
КРОЛЕВЕЦ,
СУМИ области

Спорт

САРАЛАШ БОШЛАНМОҚДА

Футбол бўйича СССР терма командаси 12 сентябрда Ирландия командаси билан жаҳон чемпионатининг саралаш мусобақасини ўтказади. Терма команда устозлари ана шу мусобақага тайёргарлик бўйича қўйидаги 19 футболчини танлаб олдилар ва машқларга жалб этдилар: дарвозабон Р. Дасаев («Спартак»), В. Новиков (ЦСКА), ҳимоячилар Т. Сулаквелидзе, А. Чивадзе («Динамо» Тб.), С. Боровский («Динамо» Мн.), С. Балтача, А. Демьяненко («Динамо» Киев), Б. Поздняков, А. Бубнов («Спартак» Москва), ўрта линия ўйинчилари ва ҳужумчилар С. Алейников, С. Гоцманов, А. Зигмантович («Динамо» Мн), Г. Литовченко, О. Протасов («Днепр»), Х. Оганесян («Арарат»), А. Воробьев (СКА Ростов—Дон), С. Родионов («Спартак»), В. Бессонов, О. Блохин («Динамо» Киев»).

УҚУВЧИЛАР КУЧ СИНАШАЕТИР

Пойтахтимизда мактаб ўқувчиларининг XVII Бутуниттифоқ спартакиадаси давом этмоқда. Биринчи бўлиб 4 сентябрда қўл тўпи мусобақалари бошланган эди. Энди бадиий гимнастикачилар ўз маҳоратларини (9 сентябрдан бошлаб) намойиш этиш арафасида турибдилар. Ўқувчилар спортнинг 30 га яқин тури бўйича учрашувлар ўтказишади. Спартакиаданинг тантанали очилиши 18 сентябрда «Пахтакор» стадионида бўлади.

Бутуниттифоқ спорт анжуманида 7 минг нафардан зиёд мактаб ўқувчиси иштирок этади. Халқаро, Бутуниттифоқ, республика тонфасидаги 1.400 нафардан кўп судья мусобақаларни бошқаради.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ШАҲАРЛАРИ ВА РАЙОНЛАРИДА
сентябрь ойида

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 60 йиллигига бағишлаб

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

бадиий, хроникал-ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмларнинг

ТЕМАТИК КЎРИГИНИ ЎТКАЗАДИ

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Янгибозор шаҳридаги
«Октябрь 50 йиллиги» кинотеатрида
7—9 сентябрда — **ЎЗГАЛАР БАХТИ.**
10—13 сентябрда — **ИЙЛНИНГ ТЎРТ ФАСЛИ.**
14—16 сентябрда — **СЕН МЕНИНГ ҚУШИҒИМСАН.**

Паркент районидаги
«БАҲОР» кинотеатрида
7—9 сентябрда — **ИНСОН ҚУШЛАР ОРТИДАН БОРАДИ.**
10—13 сентябрда — **ЛЕНИНГРАДЛИКЛАР — ЖИГАРБАНДЛАРИМ МЕНИНГ!**
14—16 сентябрда — **МАНА, УША ЙИГИТ ҚАЙТДИ.**

ХРОНИКАЛ — ҲУЖЖАТЛИ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР:

Қибрай посёлкасидаги
«СОЮЗ» кинотеатрида
7—10 сентябрда — **МУХТОР АШРАФИЙ.**
11—15 сентябрда — **ШЕЪРИЯТ БОҒИ.**

Олмалиқ шаҳридаги
ХИМИКЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИДА
15—16 сентябрда — **ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ. ИНҚИЛОБНИНГ БЕШИНЧИ БАҲОРИ.**

Янгийўл шаҳридаги
консерва заводи маданият уйида
22—23 сентябрда — **КУЗ КЕЛМОҚДА. КУАНДА — БУ ТОШКЕНТ ЕНИДА.**

Красногорск шаҳридаги
ГАГАРИН НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
11—16 сентябрда — **МЕНИНГ ЎЗБЕКИСТОНИМ. МОСКВАДА ЎЗБЕКИСТОН КУНЛАРИ. ОҚСОҚОЛ. ТЕНГҲУҚУҚЛИЛАР ИТТИФОҚИДА. АРЕНА — ОНА ЕРИМ. ОҚҚУРҒОН РЕПОРТАЖИ.**

МУЗИКА ФАҚАТ СИЗ УЧУН ЯНГРАЙДИ!
«ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА МАГАЗИН-САЛОНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ



Сиз ўз атрофингиздаги кишиларга ҳалал бермасдан истаган куй ва қўшиқларни кундузи ҳам, кечаси ҳам тинглашингиз мумкин.

Маиший овоз эшиттирадиган аппаратуралар билан ҳамкорликда стереофоник музикали программаларни тинглаш учун мўлжалланган **Стереофоник қулоққа тутиладиган «АМФИТОН-ТДС—7» телефонлари сизга бу борада яқиндан ёрдам беради.**

Овоз эшиттириш частоталари полосаси 20-20000Гц. Баҳоси — 49 сўм.

«АМФИТОН-ТДС—7» аппаратини фақат «Электроника» фирма магазин-салонидан сотиб олиш мумкин.

Сиз бу магазиндан олий ва биринчи классдаги стереомагнитофонлар учун феррит ва шишадан ишланган магнит головкаларини сотиб олишингиз мумкин. Улар 20-20000Гц диапазонида ишлатиш жараёнида частота хусусиятларини бир маромга келтиришни таъминлайди.

Ферритли магнит головкалари хизмат муддати эски головкаларга нисбатан 10 марта кўп. Баҳоси — 80 сўм.

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй (Марказ-1 квартали, транспорт: 2, 3, 4, 13, 25, 27-трамвайларнинг «Куйбишев райисполкоми» бекати).

«ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА МАГАЗИН-САЛОНИ (телефон 33-78-34)

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

ДИҚҚАТИНГИЗНИ ЖАЛБ ҚИЛАМИЗ!
ТОВАРЛАР—ХАЛҚҚА!

«ТОМЬ-303» МАГНИТОФОНИ

Бир тезликка эга, икки дорожкали «ТОМЬ-303» кассетали магнитофони радиотехниканинг замонавий талаблари асосида ишланган.

Магнитофон ўзида ўрнатилган микрофон ва шовқинни динамик чегаралаш қурилмаси билан жиҳозланган. Бу эса ёзиб олиш ва қайта эшиттиришда тиниқ овоз чиқишини таъминлайди.

Магнитофонда ёзиб олиш ва қувват олиш кучланишини контроль қилувчи стрелкали индикатор мавжуд, шунингдек, кассетанинг ярим автоматик ҳолда чиқариб олиниши кўзда тутилган.

Максимал овоз чиқариш қуввати — 10 Вт. Магнитофон ўзгарувчан ток тармоғи ёки «373» типидаги 6 батареядан қувват олиб ишлаши мумкин.

Баҳоси — 185 сўм.
ЦНИИНТИ.
«Главкоопинформреклама».

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

«Ўзэлектромонтаж» махсус трести базасидаги

11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: ёритиш бўйича электр монтажчи, ёритиш тармоқлари бўйича электр монтажчи, кучланиш тармоқлари ва электр қурилмалари бўйича электр монтажчи, электрослесарь, электр-газ пайвандчи, коммутация иккиламчи тармоқлари бўйича электр монтажчи, лифтларни ремонт қилиш бўйича слесарь-монтажчи (Ватанимизда ва чет эллар қурилмалари), **контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика ремонти бўйича слесарь, киномеханик** (фильмларни текшириш ишини эгаллаш билан), **радиотелевизион аппаратураларга хизмат кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш бўйича радиомеханик, электрон ҳисоблаш машиналарининг операторлари.**

Ўқиш муддати—2,3 йил.

Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

8—10 синф ҳажмида маълумотли 14 ёшдан катта бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқишга 8 синф ҳажмида маълумот билан қабул қилинганлар 3 йил ўқийдилар ва ўрта маълумот ҳамда ихтисос тўғрисида диплом оладилар. Ўқувчилар уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар. 10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган ўқувчилар ойига 30 сўмдан 76 сўмгача миқдорда стипендия оладилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида электромонтажчилар, электр-газ пайвандловчилар группаларининг ўқувчилари иш ҳақининг 50 процентини оладилар, бошқа группаларнинг ўқувчилари иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган ва электр монтажчи мутахассисликлари бўйича ўқишга кирган йигитлар учун ўқиш муддати бирмунча қисқартирилган: 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун 7,5 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 10,5 ойгача.

Машғулотлар группаларнинг комплектланишига қараб бошланади.

Билим юрти битирувчилари техникумлар ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар корхоналарда мажбурий иш муддатини ўтамаган ҳолда ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун йўлланма оладилар.

Билим юрти яхши спорт базасига эга, 14 спорт секцияси ишлаб турибди. Техника ижодкорлиги, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд.

Аризалар 9.00 дан 16.30 гача қабул қилинади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, медицина справкаси; турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 4 дона фотосурат (3х4 см.). Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (паспорт), ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома (ҳарбий билет) шахсан кўрсатилади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановолик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (2, 3, 33, 34, 40, 45, 57, 70, 79-автобуслар; 4, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги

214-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

токарь-универсаль (токарь-каруселчи, программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори), **саноат ускуналари бўйича слесарь-ремонтчи, электр пайвандчи, слесарь, механик, йиғувчи, фрезерчи, электромонтажчи, машинада қолипловчи, слесарь-асбобсоз, штамповкачи.**

Ҳамма ихтисослар бўйича ўқиш муддати 6 ой.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини битириб олган аттестатдаги баҳоларининг ўртача балли 4,5 бўлганларга олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар берилади.

Билим юртини битирган ўрта маълумотлиларга ҳам билим юртини тугатганлик тўғрисида аттестат берилади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 76 сўмдан стипендия, ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат ҳақининг 33 проценти берилади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида спорт секциялари, вокал чолғу ансамбли ва миллий чолғу асбоблари ансамбли тўгараклари доимо ишлайди.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Ўқишга 8—10 синф ҳажмида маълумотли, 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит — қизлар қабул қилинади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, турар-жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), 3х4 см. ҳажмда 6 дона фотосурат, таржимаи ҳоли.

Бошқа шаҳардан келган ўқувчилар турар-жойларидан пропискадан ўчишлари ва билим юрти ётоқхонасига пропискадан ўтишлари ҳамда ўзлари билан шахсий учёт карточкаси, ВЛКСМ аъволиги учёт карточкаси ва комсомол билетини олиб келишлари зарур.

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (2, 16 25, 29-трамвайлар, 8, 9, 115, 112 60, 24, 44-автобусларнинг «Ғалаба боғи» бекати). Телефон 35-08-02.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 —Концерт. 10.00 — «Ҳайвонот оламида». 11.00 — «Чапаев». Бадиий фильм. 12.30 — Квартет. 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телефильмлар. 16.00 — «Асли болаликдан». 16.45 — Телеочерк. 17.15 — «Шахмат мактаби». 17.45 — Фильм-концерт. 18.15 — «Фан ва турмуш» 18.45 — «Дунё ва ёшлар». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Мультфильм. 19.40 — Телевизион бадиий фильм. 21.30— «Время». 22.05 — «Мангу даъват». Бадиий фильм. 7-серия. 23.10 — «Дунё воқеалари». 23.25 — Телефильм. 23.55 — Концерт.

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15—9.35 — «Мадад». Телефильм. 11.55 — «Оила ва мактаб». 12.25 ва 12.40—Илмий-оммабоп фильм. 14.25 — В. В. Вересаев. Асарлари саҳифаларида. 15.05 — «Бувисининг набираси». 16.25 —18.30 — Янгиликлар. 18.50 — «Онамларнинг мактаби». 19.20 — Концерт. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Концерт. 21.30 —«Время». 22.05 — Г. Малер. Солистлар, хор ва оркесто ижроси учун кантаталар.

ЎзТВ-I. 10.00 — «Ахборот». 10.20 — Болалар учун фильм. 11.30 — Ўқув программаси. 12.00 — «Қишлоқ келинлари». 12.30 — Ўқув программаси. 13.00 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.10 — «Сўз кетидан сўз келар». 18.30 — Мультфильм. 18.45—«Ёшлик». 19.30—«Ахборот». 19.45—Ҳужжатли фильм. 19.55— Инсон ва қонун. 20.30 — «Ахборот». 20.50—Концерт. 21.30—«Время». 22.05—«Чорасиз чилик — зарбдор фронт». 22.25 — «Отилмаган ўқ». Спектакль. 23.45 — Янгиликлар

ЎзТВ-II. 9.00—16.30 — МТ-II. 18.10 — «Журналист». Бадиий фильм. 2-серия. 19.45 — «Совет киноси». 19.55 — Тошкент янгиликлари. 20.15 — Музикали телефильм. 21.30 — МТ-II.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
/ "Ташкентская правда"/
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного совета народных депутатов

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000. Тошкент—П,
ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 00724. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. В. 1777. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12